




## ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



### ANALYSIS OF THE SOURCES OF HADITH SCIENCE REFORMS WRITTEN IN THE XVI-XVII CENTURIES

**Jaloliddin Kh. Khamrokulov**

Researcher

International Islamic Academy of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** logic and meaning of Arabic poetry, tafsir, tajweed, aqeed, hadith, science of hadith, usul, jurisprudence, heritage, history, dictionary, grammar, literature, meaning, logic, medicine, engineering, mathematics.

**Received:** 26.09.22

**Accepted:** 28.09.22

**Published:** 30.09.22

**Abstract:** In the 16th and 17th centuries, science and enlightenment began to redevelop and progress. Among other sciences, the science of Mustalahu-l-Hadith has reached the next stage in its development. During this period, works were written that created the ground for the creation of scholars. In particular, along with Ibn Fatuh Bayquni, the scientific legacy of such scientists as Jalaluddin Suyuti, Zakariyo Ansari, Mulla Ali Qari, Zainiddin Munavi, Abdulhaq Dehlavi can be cited as an example. Below is information about their contributions to the science of mustalahu-l-hadith.

### XVI-XVII АСРЛАРДА ЁЗИЛГАН ҲАДИС ИЛМИ ИСТИЛОҲЛАРИ МАНБАЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

**Жалолиддин Х. Ҳамроқулов**

Тадқиқотчи

Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси  
Тошкент, Ўзбекистон

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** мантиқ ҳамда, араб шеъриятининг аруз вазни, тафсир, тажвид, ақоид, ҳадис, ҳадис илми, усул, фикҳ, мерос, тарих, луғат, нахв-сарф, адабиёт, аруз, мантиқ, тиб, муҳандислик, математика.

**Аннотация:** XVI-XVII асрларда илм маърифат қайта ривожланиб, тараққий эта бошлади. Бошқа илмлар қаторида мусталаҳу-л-ҳадис илми ҳам ривожланишида кейинги босқичга кўтарилиди. Бу даврда уламолар ижод килиши учун замин яратган асарлар ёзилди. Ҳусусан, Ибн Фатух Байқуний билан бир қаторда Жалолиддин Суютий, Закариё Анзорий, Мулла Али Қори, Зайниддин

Муновий, Абдулҳақ Дехлавий каби олимларнинг илмий меросини мисол қилиб келтириш мумкин. Қўйида уларнинг мусталаҳу-л-ҳадис илмига кўшган ҳиссалари хусусида маълумотлар келтирилади.

## АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ РЕФОРМ ХАДИСОВЕДЕНИЯ, НАПИСАННЫХ В XVI-XVII ВВ.

**Джалолиддин X. Хамрокулов**

*Научный сотрудник*

*Международной исламской академии Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** логика и смысл арабской поэзии, тафсир, таджвид, ақыд, ҳадис, ҳадисоведение, усул, юриспруденция, наследие, история, словарь, грамматика, литература, смысл, логика, медицина, техника, математика.

**Аннотация:** В XVI-XVII вв. наука и просвещение начали перестраиваться и прогрессировать. Среди других наук на следующий этап своего развития вышла наука о мусталаху-ль-ҳадисах. В этот период были написаны работы, создавшие почву для творчества ученых. В частности, наряду с Ибн Фатухом Байкуни в пример можно привести научное наследие таких ученых, как Джалалуддин Суюти, Закариyo Ансари, Мулла Али Кари, Зайниддин Мунави, Абдулҳақ Дехлеви. Ниже приводится информация об их вкладе в науку о мусталаху-ль-ҳадисах.

### КИРИШ

Закариё Ансорий (ваф.926/1520) ва унинг “Фатху-л-боқий би шарҳ алфияти-л-Ироқий” асари. Муаллифнинг тўлиқ исми Зайниддин Абу Яҳё ибн Мухаммад ибн Аҳмад ибн Закариё Ансорий Ҳазражий Сунайкий Қоҳирий Азҳарий Шофеъийидир [1]. Манбаларда Закариё Ансорийнинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Лекин унинг замондоши ва дўсти Жалолиддин Суютий олимни 824/1421 йилда туғилган деб келтирган [2]. Лекин Саховий ва Айдарусий каби олимлар уни 826/1423 йилда туғилгани аниқ деб келтирган [3]. Бу маълумотни Ибн Аммод Ҳанбалий [4], Шавконий [5], Забидий [6] ва Умар Ризо Каҳола [7] каби тарихчи олимлар ҳам тасдиқлаган. Олим отасидан ёш етим қолади ва онаси билан машаққатли болалик даврини бошдан ўтказади [8]. Уларнинг ночор ҳолатини кўрган Шайх Солиҳ Рабиъ ибн Абдуллоҳ Суламий Шинборий ёш Закариёни ўқиш ҳаражатларини ўз зиммасига олади ва Азҳар университетида ўқитади [8]. Умри давомида кўплаб асарлар ёзган ва шогирдлар чиқарган, умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган Закариё Ансорий 926/1520 йилда вафот этади [8].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Закариё Ансорий ушбу асарни ёзишда олдин ёзилган кўплаб манбаларга таянган. Хусусан, Саховиёнинг шарҳи ва назм муаллифи Ироқийнинг ўз назмига ёзган шарҳидан кенг фойдаланган. Ушбу асар мусталаҳу-л-ҳадис илмида ёзилган бебаҳо асарга айланди.

Бу асарнинг учта қўлёзма нусхаси ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган:

1.Бағдод шаҳридаги “Мактабата-л-авқоф ал-омма” кутубхонасида 13838 рақам остидаги қўлёзма нусха, 1304/1887 йилда Сайид Ҳасан Бағдодий томонидан кўчирилган.

2.Бағдод шаҳридаги “Мактабата-л-авқоф ал-омма” кутубхонасида 2820 рақам остидаги қўлёзма нусха, 1170/1757 йилда Муҳаммад Уббода томонидан кўчирилган.

3.Мисрдаги “Дор ал-кутуб ал-Мисрия” кутубхонасида 162 талъат рақами остидаги қўлёзма нусха, 1237/1822 йилда Муҳаммад Солих Бандижий Ҳанафий томонидан кўчирилган.

Ушбу асар 1422/2002 йилда Доктор Абдулатиф Ҳамим ва Шайх Моҳир Ёсин Фаҳл томонидан тадқиқ ва таҳқиқ қилинган ҳамда нашр этилган.

Розиуддин Ҳанафий (ваф.971/1564) ва унинг “Қафвул асар фи улума-л-асар” асари. Розиуддин Ҳанафийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирий [9] Тозифий [10] ҳанафий (ваф. ҳиж. 971/1564) бўлиб, у ўз даврида “Ибн Ҳанбалий” номи билан ҳам танилган. Насаби Ҳалаб тарихчиси аллома, қозиу-л-қузот [11], Асируддин Ибн Шихна ал-Ҳалабийга (815/749-1348/1412) боради. Муҳаммад Роғиб Тоббахнинг (1871/1955) “Иъломун нубалои битарихи Ҳалабиши-шуҳабои” асарининг олтинчى бўлимида аллома ва унинг оиласи ҳақида, шунингдек, уларнинг етук аллома бўлиши ҳақида ҳам маълумотларни келтиради. Аллома Розиуддин Ҳалаб шаҳрида туғилиб, шу жойда вафот топгани ҳақида тарихий маълумотларда келтирилади [12].

У даставвал отасидан, сўнгра Ҳалабдаги шайхлардан илм олади. “Дуррул ҳабаб фи тарихи аъёни Ҳалаб” номли асарида устозлари ҳақида тўлиқ маълумот келтиради. Машхур устозларидан бири, аллома Аҳмад ибн Ҳусайн Бокизий ҳанафий (ваф. ҳиж. 948) бўлиб, ундан “Улумул-куръон” илмини олади. Шихоб Аҳмад ҳиндийга (821-906) балоғатга оид “Мутоввал”ни ва Шариф Журжонийнинг (740-816/1339-1413) “Мутоввал”га оид ҳошиялар тўпламини ўқиб беради. Ҳадисшунос Золеъ Муҳаммад ибн Шаъбон Дайрутийга (ваф. ҳиж. 926/1515) Ҳофиз ибн Ҳажарнинг (мил. 733/852) “Шарху Нуҳба” асарини ўқиб беради ва ундан Саҳиҳ Бухорий ва Муслимнинг ривоятига ижоза ҳам олади [13].

Бундан ташқари кўзга кўринган устозларидан; аллома Муҳаммад Ханожирий [14] (ваф. ҳиж. 940) бўлиб, унда олим Ибн Ғозий Инкосийнинг (841-919/1437-1513) “Нузҳату-л-албоб фи илми-л-ҳисоб” номли асарини ўқиган. Мусо ибн Ҳусайн Расулийга (ваф. тав. сана номаълум) балоғатга доир асарни ўқиб берган. Валий ибн Ҳусайн Шарвоний [15] га (ваф.

хиж 956 ёки 955) астрономияга бағишланган “Жағмийни [16]”нинг матнини ўқиган. Аллома Бурҳон Иброҳим Ибодийга (ваф. ҳиж. 972) бир неча фанларга оид асарларни ўқиб берган. Алий ибн Мұхаммад Ҳасфакий Мусилидан (ваф. ҳиж. 956) араб тилининг сарф ва нахв (грамматик), мантиқ ҳамда, араб шеъриятининг аruz вазнига оид қоидаларини ўрганган. Жорулоҳ Мұхаммад ибн Абдулазиз ибн Фаҳд Маккийдан (ваф. ҳиж. 891-954) “Тұхфатул-латифату фи анбоил масжидил ҳароми ва-л-Каъбати-ш-шарифати” асарини ўзлаштирган. Сайид Исо Сафавийга (ваф. ҳиж. 953/1546) Қуръон тафсирини охирги, яъни, 30-жузъининг тафсирини ўқиб берган. Шайхи, яъни устози Мусо ибн Ҳасан Курдийдан (ваф. ҳиж 930) балоғат илмини ўзлаштирган. Абдурроҳман ибн Фаҳр ан-Нисога (ваф. тав. сана номаълум) фикҳ ва сарф фанига доир асарни ўқиб берган. Натижада, аллома Розиоддин замонасининг етук олимига айланади. Секин-аста, турли фанларга оид асарларни ёза бошлайды. Дамашқ ўлкасига кириб келганида, у жойнинг забардаст олимлари ҳам унинг илмидан фойдаланишади. У ҳаёти мобайнода шеърлар назм қилар, хусусан тафсир, тажвид, ақоид, ҳадис, ҳадис илми, усул, фикҳ, мерос, тарих, лугат, нахв-сарф, адабиёт, аruz, мантиқ, тиб, муҳандислик, математика каби фанларга оид асарларни Ѽзган. Баъзи манбалар унинг асарлари сонини етмишга борганини келтиради. Айримлари кичик рисолада бўлиб, мавзууси долзарб, маълумотлари қисқа ва лўнда келган. Хуллас, алломанинг илмий қадр-қиммати ва заковати бугунги кунгача етиб келган асарларидан маълум [17].

Аллома Розиоддин замонасидаги бир неча кишилардан таҳсил олган. Улар ҳакида “Дуррул ҳабаб фи тарихи аъёни Ҳалаб” ва Мұхаммад Роғиб Тоббахнинг (ваф. 1871/1955) “Иъломун нубалои битарихи Ҳалабиши-шуҳабои” асарининг олтинчи бўлимида шогирдлари ҳакида тўлиқ маълумот келтирилади. Машҳур шогирларидан; тарихчи, адиб, нахв фани намоёндаси Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Мулла ҳасфакий ҳалабий (937-1003/1530-1595) бўлиб, у аллома Розиоддиндан йигирма йил мобайнода таҳсил олади ва ҳамда у битган кўплаб асарини оққа туширади. Шунингдек, у эл орасида “Мулла Мұхаммад” номи билан танилган. Яна шогирдларидан Абус-Сано Маҳмуд ибн Мұхаммад (ваф. ҳиж. 1007) бўлиб, у ибн Байланий номи билан танилган. Зайнул Обидин Неъматуллоҳ Иброҳим Ибодий Жалабий (түғ. ваф. сана номаълум) номи билан танилган ва Мұхаммад ибн Қосим Шамсуддин (ҳиж. 931/1005) “Ибн Минқор Ҳалабий, Димашқий” номи билан танилган машҳур шогирдлари сирасига киради. Яна шогирларидан, Мұхаммад ибн Масъуд Шеърозий (түғ. ваф. сана номаълум), Мұхаммад ибн Аҳмад Мұхаммад Тибризий Шофеий (түғ. ваф. сана номаълум) ҳисобланишади.

Айрим табақот асарларда аллома Розиоддиннинг элликдан ортиқ асари мавжуд деб келтирилса, Абдулфаттоҳ Абу Ғудда (1336-1417/1917-1996) асарлари сонини 73 тага етказади. Алломанинг қаламига мансуб асарлар қўйидагилар:

1. “Ал-Осору-р-рафиъату фи маъсари бани рабиъати”.
2. “Иҳкомул ашъори биаҳкамил ашъари”
3. “Иҳбарул мустафиди биаҳбари Холид ибн Валид”
4. “Иъонатул фаризи фи тасҳихи вақаъатил фароизи”
5. “Анмузажул улуми лизавил басоири ва-л-фухум”
6. “Анворул ҳалаки фи шарҳил манор”. Бу асар Ибн Малак [18] нинг усул фанига доир “Шарҳул манор (чоп этилган)” китобига шарҳдир.
7. “Баҳрул-ъавоми фима асоба фиҳил ъавом”. Бу асар Имом Байзовий [19] нинг “Анвору-т-танзил” номли китобига таълиқ [20] ҳисобланади.
8. “Таъхилу ман хатаба фи тартибис саҳобати фил ҳутоби”.
9. “Туҳфатул ағозили фи синоъатил фозили”.
10. “Тазкироту ман насия билвасатил ҳандасия”.
11. “Тарвияту-з-зоми фи табриатил жомий” (нашр этилмаган).
12. “Ат-Таъриф ала тағлити-т-татриф фи шарҳи-т-тасриф”. Ушбу асар Ибн Ҳилол Урзий Ҳалабийнинг (ваф. ҳиж. 933) асарига шарҳ ҳисобланади.
13. “Баҳрул-ъавоми фима асоба фиҳил ъавом” асари имом Байзовийнинг (ваф. ҳиж. 685) “Анвору-т-танзил” номли китобига таълиқ ҳисобланади.
14. “Талмизу-ш-шаҳди лиаҳли-л-ъаҳди ва-л-ақди”. Асар алломанинг устози шайх Абдуллатиф ибн Абдулмўмин Аҳмадий Ҳурсоний Жомийнинг (ваф. ҳиж. 963) назмий йигирма бир байтига аталган шарҳдан иборат. “Иълому-н-нубало” асарида “Талмизу-ш-шаҳди лиаҳли-л-ъаҳди ва-л-ақди”ни ўрнига “Талмизу-ш-шаҳди лиаҳли-л-ҳалли ва-л-ақди” деб келтирилади [21].
15. “Жанийятул ҳуссаб фи илмил ҳисоб”.
16. “Ал-Жаварул мушсаъату фил ҳаварил муншаати”. Бу асарнинг номини “Ҳадийятул орифин” китобида “Ал-Жаварул мунсаъату фил ҳаварил мунсаати” деб келтирилган.
17. Аллома Тафтазонийнинг (ваф. ҳиж 722/792) Иззийга (ваф. ҳиж 900) ёзган шарҳига ҳошия.
18. Қози Закариёнинг (824-926/1421-1520) усул илмига бағишлиған “Шарҳул-Лубби” асарига ҳошия.
19. Икки Ҳарам имоми Абдулмалик Жувайний Шофеийнинг (ваф. ҳиж. 419/478) “Лубобул фиқх” асарига ҳошия
20. Ҳанафий фиқх алломаси Садру-ш-шариъанинг (ваф. 747/1346) “Виқоя” асарига ҳошия.

21. “Ҳадоиқу аҳдоқил азхор ва масобиҳу анворил анвори” асари ўнлаб фанларга бағишиланган.
22. “Ал-Ҳадоиқул унсийя фи кашфи ҳадоиқил андасулия” асари шеъриятнинг аруз вазнига оид.
23. “Ҳавроул хиём ва азроул завил хуёми фи руъти хойрил аноми фил яқзати вал маноми”. Бошқа тарих асарларда унинг номи “Ҳурул хиём”, деб бошланади.
24. “Ал-Ҳиёзул мутриъату фи вифқил арбаъина фил арбаъати”.
25. “Дуррул ҳабаб фи тарихи аъёни Ҳалаб”. Асарда 633 та турли фан соҳа олимлари ҳақида сўз кетади. Тарихчи Мухаммад Тоббах (1871/1955) “Иъломун Нубало” асарида уч юздан зиёд олимлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни келтирган.
26. “Ад-Дурапус-Сотиња фил адвиятил Қотиња”.
27. “Дивону шеърихи”.
28. “Зуболату-с-сирож ала рисолату-с-сирож”.
29. “Захиротул мамоти фи-л-қовли биталқини ман мота” [22].
30. “Робтуш шавориди фи ҳалли-ш-шавоҳи” асари аллома Иzzий (ваф. ҳиж 900)нинг араб тили сарф фанига доир “Шавоҳиду шарҳи-с-Саъд” номи билан шарҳ ҳисобланади.
31. “Рисола”. Ушбу рисола тингловчига эшитиш пайтида қалбни жунбушга келтирадиган матнлардан иборат. У шеър ва қасидалардан ташкил топган.
32. Тажвид фанини “Мад муттасил” ва “Мад мунфасил” мавзусига аталган рисола.
33. “Рисола”. Йигирма хил фан бўйича йигирмата баҳсни ўз ичига олади.
34. “Рофъул ҳижоб ъан қоваъидил ҳисоб”. Ушбу асар ҳисоб-китоб фанига доир бўлиб бўлиб, ҳозирги қундаги ментал арифметикага ўхшаб кетади. Аслида ушбу асар Ибн Ҳумомнинг (ваф. 861-1457) “Ан-Нузҳату фи-л-ҳисоби” асарига шарҳdir.
35. “Ар-Равоихул удия фи-л-мадоиҳи-с-саудия”.
36. “Равзатул арвоҳи ала-с-сирожийя” асари меррос фанига оид.
37. “Аз-Зубду ва-з-зарабу, Ал-Асалул абязу фи тарихи Ҳалаб” (нашр этилган).
38. Фикҳ фанига оид “Сарҳул муқлатаини фи ҳукмил қуллатайнин”.
39. “Саҳмул алҳози фи ваҳмил алфози”.
40. “Савобигу-н-навобиғ” асари имом Замахшарийнинг (467-538/1074-1143) “Навобигул калим” асарига шарҳ ҳисобланади (нашр этилмаган).
41. “Аш-Шаробу-н-Найлий фи вилоятил жийлий” асари Шайх Абдулқодир Жийлоний (хиж. 470-561)га бағишиланган.
42. Мантиқ фанини “Тасаввурот” бўлимига оид “Шарху Ийсоғужи”.

43. Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнинг (658-709/1260-1309) тасаввуфга оид ҳикматларига шарх.

44. “Ал-Лубоб” номли асарга шарх. Эҳтимол ушбу асар Имом Абдулмалик Жувайнин Шофеининг (ваф. ҳиж. 419/478) “Лубобул фикҳ” асарининг ҳошияси бўлиши ҳам мумкин [23].

45. “Нузхату-н-назар фи синоъяти-л-ғубор” асарига шарх.

46. “Шақоиқул аками бидақоиқил ҳиками”.

47. Фикҳ фанига оид “Зиллур ариши фи манъи ҳиллил банжи вал ҳашиши” асари.

48. “Уддатул ҳисоби ва умдатул муҳосиби” асари.

49. “Ал-Арфул вардий фи нусрати-ш-шайхил ҳиндий” асари Абдуллатиф Машҳадийга (түг. ваф. сана номаълум) раддия сифатида ёзган.

50. “Ақдул-халос фи нақди каломил ховвас”.

51. “Фомзул айни ила канзил айни”. “Ҳадийятул орифин”да ушбу асарнинг номини “Қуррул айни ила канзил айни” деб келтирилади.

52. Сайид Алийнинг (түг. ваф. сана номаълум) "Шарҳул мисбах" асарига “Ал-Фатхул жалийю” номли китоби. Ушбу асар номини “Кашфуз-зунунда [24]” “Ан-Нақдұл жалий ала шарҳи ибн Сайидий Алий” деб келтирилади.

53. “Фатҳул айни анил исми ғойрун ав айнун”.

54. “Ал-Фаръул асиси фи-л-хидиси”.

55. “Алфавоиду-с-сиррия фи шарҳил жазария” китоби тажвид фанига оид (нашр этилмаган).

56. “Қафвул асари фи сафви улумил асар [25] ”. Ҳозирда нашр этилган нусхада “илм” бирлик сўзини ўрнига “улум” кўплик сийғасида ишлатилган. Бироқ доктор Ҳотим Зомин (мил. 1938-2013) бирлик “илм” сийғаси билан келтирган. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда (1336-1417/1917-1996) бу далилга ҳужжатни қўлёзма манбадан топмаган. Бироқ шайх Муҳаммад Таббоҳ “Иълому-н-нубало” тарих асарида ушбу асарни “Қафву улумил асар”, деб келтиради.

57. “Ал-Қавлул қосим лил қосий қосим”[26].

58. “Күхлул ъуюнин нажлу фи ҳалли масъалатил күхл” асари ҳанафий фикҳида машҳур “Виқояту-р-ривояти фи масоилил Ҳидоя” ва шофеий фикҳига доир “Шарҳу-л-лубоб” асарларига ҳошия тарзида ёзилган асар. “Кашфу-з-зунун” 1/687 ва 2/1474 саҳифасида асарнинг номини “Ҳаллул ъуюнил-фаҳли фи ҳалли масъалатил күхл”, дейилади.

59. “Ал-Канзул-Музҳар фи истихроjил-музмар”.

60. “Канзу ман ҳажа ва ъамма фил аҳажи вал-муъамма” асари балоғатга оид.

61. "Луббул қосидин".
62. "Махойилул малоҳати фи масоилил филаҳати".
63. "Муртаъуз-з-иба ва марбаъу зави-с-сиба".
64. "Муставжибату-т-ташриф битавзиҳи шарҳи-т-тасриф".
65. "Ал-Масобих" асари ҳисоб китобга тегишли маълумотларни ўз ичига олади.
66. "Мисбаху-д-дужа фи ҳарфи-р-рижо" нахвга оид бўлиб, "Лаъалла" калимасининг баёнидир.
67. "Ал-Матлубул хони фи-с-сафари".
68. "Муғнал ҳабиб ан муғни-л-лабиб" асари нахв фанига доир.
69. "Ал-Мансуру-л-ъудий ала-л-манзуими-с-саъудий" асари муфтий Абус-Саъуд Имодий Туркийнинг (982-1574) қасидасига шарҳидир. Абус-Саъуд эса Ибн Ҳанбалийдан сўнг ҳижрий 982-санада вафот топади.
70. "Мавориду-с-сафо ва мавоиду-ш-шифо" асари Қози Иёзнинг (476-544/1083-1149) "Шифо" номли асарига шарҳ ҳисобланади.
71. "Нужумул-муриди ва ружумил-мурид". Асарнинг муқаддимасида шундай жумла келтирилади: "Суфийлик бир жамоа бўлиб, улар туфайли Аллоҳнинг раҳмати умид қилинади. Ҳар даврда иккига бўлинниб, номланади; бирини "солих", дейилса, кейингисини, "толиҳ", дейилади. "Солиҳи" мақбул, "Толиҳи" эса, рад этилади [27].
72. "Нурул-инсони фи иштиқоқи лафзил-инсони".

73. "Василатул мазлуми ила таҳсиллар улуми". Алломанинг умри мобайнода битган асарлари шулардан иборат. Айримлари қўллэзма шаклда ва бошқалари нашр этилган ҳолда ҳозир кунгача етиб келган. Афсусланарли жиҳати шуки, баъзи асарлар сақланиб қолмасдан номи етиб келган холос [28].

Аллома Розиоддин мутақаддим олимларнинг барчасига эҳтиром кўрсатар, хусусан, Ҳофиз ибн Ҳажарга (мил. 733/852) нисбатан хурмати баланд эди. Шунинг учун асарларида уни "Қозиу-л-қузот" деган ном билан атар эди. Бунинг сабаби, гарчи, кишига ном беришда шаръян дуруст бўлсада, Ибн Ҳажар исмидан, яъни "Тошнинг ўғли" деган маъно бўлиб қолгани учун.

Абдулфаттоҳ Абу Ғудда (1336-1417/1917-1996) айтади: "Бу каби яъни, "Ибн Ҳажар", деган исм туфайли у кишига нисбатан ҳеч қандай маломат ва таъна йўқ. Аллома Ибн Ҳажар бу исмини ўз китобида қайдлаб ёзганига далиллар бор. Шунингдек, у Ислом оламида ҳозиргача ушбу ном билан машҳур бўлиб келган. "Қозиу-л-қузот" деб атлаши луғат ва урфий лафзда ғайритабии ҳолат мавжуд эмас. Чунки "Ибн Ҳажар" деган номнинг ўзи ҳам алломани танитган ва машҳур қилган. Бу ўриндаги "Қозиу-л-қузот" деган сўз тафсилотга эҳтиёж бўлиб, бироқ, аллома Розиоддин бу номнинг бирорта китобида очикламаган.

Алломанинг чоп этилган ёхуд қўлёзма шаклида қолган асарлари қўйидагилар:

1. "Аз-Забад ва-з-зарбу фи тарихи Ҳалаб" (нашр этилган).
2. "Дуррул ҳабаб фи тарихи аъёни Ҳалаб" (нашр этилган).
3. "Ал-Масобех" асари ҳисоб-китобга доир (нашр этилмаган).
4. "Ад-Дурру-с-сотиъа" тиббиётга оид (нашр этилмаган).
5. "Махойилул маллоҳа фи масоилил фаллоҳа" асари (нашр этилмаган).
6. "Тазкирату ман насия бил вастил ҳандасийя" (нашр этилмаган).
7. "Ал-Ҳадоиқул унсийя" асари шеъриятнинг аruz вазнига доир (нашр этилмаган).
8. "Рофъул ҳижоб ъан қоваъидил ҳисоб" (нашр этилмаган), Робтул шаворид" асари аллома Иzzийнинг (ваф. хиж 900) араб тили сарф фанига бағишлаган асарига "Шавоҳиду шарҳи-с-Саъд" номи билан шарҳ ҳисобланади.
9. "Ровзатул арвоҳ" асари мерос фанига доир (нашр этилмаган).
10. "Девону шеъриҳи" (нашр этилмаган), "Савобиғу-н-навобиғ" асари имом Замахшарийнинг "навобиғул калим" асарига шарҳ (чоп этилмаган).
11. "Қафвул асари фи сафви улумил асар" ҳадис фанига оид (нашр этилган).
12. "Алфавоиду-с-сиррия фи шарҳил жазария" китоби тажвид фанига оид (нашр этилмаган).
13. "Ҳадоиқу аҳдоқил азҳар" (нашр этилмаган).
14. "Шақоиқул акми бидақоиқил ҳукми" (нашр этилмаган).
15. "Тарвияту-з-зоми фи табриатил жомий" (нашр этилмаган).
16. "Бахрул-ъавоми фима асоба фиҳил ъавом" асари имом Байзовийнинг "Анвору-т-танзил" китобига таълиқ ҳисобланади.
17. Ибн Малакнинг усул фанига доир "Шархул манор (чоп этилган)" китобига "Анворул ҳалаки фи шарҳил манор" асари.
18. "Күхлул ъуюнин нажлу фи ҳалли масъалатил күхл" асари ҳанафий фикҳида машхур "Виқояту-р-ривояти фи масоилил Ҳидоя" ва шофеий фикҳига доир "Шарху-л-лубоб" асарларига ҳошия тарзида ёзилган.
19. "Заллул арши фи манъи ҳаллил банжи вал ҳашиши".
20. Мерос фанига оид "Зуболату-с-сирож ала рисолату-с-сирож".
21. "Муғнал ҳабиб ан муғни-л-лабиб", "Ҳадоиқул азҳори ва масобиҳу анворил анвор".
22. "Девону шеърин" ва бошқа асарлари мавжуд.

"Қафвул асар фи улум ал-асар" асари ҳақида. Муаллиф Розиоддин "Нухбатул фикар" ва унинг ҳошиялари ҳамда "Муқаддимату Ибн Салоҳ" ва унинг шарҳ ва ҳошияларидан фойдаланиб ҳадис илмига тааллукли китобини ёзади. Аввал айтилганидек, асар номини

“Қафвул асар” ва “Сафву улумил асар”, деб қўйган. Кейинчалик, асарга шофеий ва бошқа мазҳаб усулий олимларнинг сўзларига турли масалалардаги усулий ҳанафий олимларининг қоида ва сўзларидан қўшиб қўйилган. Максад, ўша масаладаги қарашларни тўлдириш ва қайси мазҳаб эгаси бўлсин ушбу китобдан фойда олиши эди.

## ХУЛОСА

Ушбу асарнинг ҳажми кенг, сермазмун, тартиб ва таҳрири чиройли, ибора ва мавзулар жойлашуви аниқ бўлгани учун ҳар қандай университетда ҳадис илмига доир бошлангич фанларга дарслик сифатида қўллаш мумкин [29]. Шунингдек, унинг замонавий янги нусхаси 13 та боб ва 123 та мавзудан иборат бўлиб, аввали асар ҳақида маълумот берса, охиргиси ҳадис тўплайдиган кишида бўлиши лозим сифатларни ёритиб беради.

“Қафвул асар фи улум ал-асар” асарининг қўлёзма нусхаси ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган:

Бирлашган Араб Амирлиги “Жума Можид” қўлёзмалар маркази “Юсуф Оға” кутубхонаси 5/626-ўрин 458174 рақам остида хаттот Ибн Мулла Шофеий томонидан кўчирилган нусхаси мавжуд. Қўлёзма 12 вароқдан иборат [30]. Ушбу асар 1408/1996 йилда Абдулфаттоҳ Абу Гудда томонидан тадқиқ ва таҳқиқ қилинган ҳамда нашр этилган.

Ушбу китоб ҳижрий 1326 санада ҳам шайх Аҳмад Маккий ва Муҳаммад Амин Хунжий хайриҳоҳлиги ҳамда уларнинг ҳомийлиги остида Мисрда "Саодат" нашриётида илк бор дунё юзини кўрган. Бироқ қайси қўлёзмадан кўчирилгани ҳақида маълумот берилмаган [31].

Жалолиддин Суютий (ваф.911/1506) ва унинг “Алфия” асари.

Жалолиддин Суютий (ваф.911/1506) ва унинг “Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-нававий” асари.

Жалолиддин Суютий (ваф.911/1506) ва унинг “Мифтоҳул Жанна фил ифтитоҳ бис сунна” асари.

Мулла Али Қори (ваф.1014/1606) ва унинг “Шарҳ Нухбатул фикар” асари.

Зайниддин Муновий (ваф.1031/1622) ва унинг “Ал-Явоқит вад дураг шарҳ шарҳи нухбатил фикар” асари.

Абдулҳақ Дехлавий (ваф.1052/1642) ва унинг “Муқаддима фи усулил ҳадис” асари.

## ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мактабату-ш-шамила. Ад-Довъул Ломеъ. 3/234
2. Мактабату-ш-шамила. Назмул Ақён. 113.
3. Мактабату-ш-шамила. Ад-Довъул Ломеъ. 3/234
4. Мактабату-ш-шамила. Шазаротуз заҳаб. 8/134.
5. Мактабату-ш-шамила. Ал-Бадрут толиъ. 1/252.

6. Мактабату-ш-шамила. Тожул Арус. 7/145.
7. Мактабату-ш-шамила. Мўъжамул муаллифин. 4/182.
8. Мактабату-ш-шамила. Ал-Кавокибус Соира. 1/206.
9. Қодиря тариқатини Абдулқодир Жийлонийга (хиж. 470-561) нисбат берилади.
10. Тозиф Ҳалаб шаҳридан тўрт фарсах узоқликда жойлашган.
11. Қозилар устидан бошлиқ. Бу лавозимга илк бор Абу Юсуф (113-182/731-798) эга бўлган.
12. Розиуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирӣ Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 8.
13. Розиуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирӣ Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 9.
14. <https://al-maktaba.org/book/10912/328#p4>
15. Аззий, Иззуддин. Ал-Кавакибус саира би аьюунтл миатил ашира – иккинчи табақа "вов" ҳарфи". Мактабутуш шамилал ҳадисия. 2008. – Б. 253.
16. Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Жағминий Хоразмийнинг (ваф.хиж.745) қаламига оид асар.
17. Розиуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирӣ Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 10.
18. Алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абдуллатиф ибн Абдулазиз ибн Малак (ваф хиж 854).
19. Даилил ёҳуд матнда ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмай уни қайдлаш ва уни очиқлашга айтилади.
20. Розиуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирӣ Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 11.
21. Розиуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирӣ Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 12.
22. Розиуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурроҳман Ҳалабий Қодирӣ Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 13.

23. Мустофо ибн Абдуллоҳ. Кашфуз Зунун. – Байрут. Дору ихяи турасил арабия, 2000. – Б. 45.
24. Ҳадис илмларини саралашда (муҳаддислар) изидан бориш.
25. Розиуддин Мұхаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурраҳман Ҳалабий Қодирий Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар". – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 14.
26. Розиуддин Мұхаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурраҳман Ҳалабий Қодирий Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 15.
27. Розиуддин Мұхаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурраҳман Ҳалабий Қодирий Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 16.
28. Розиуддин Мұхаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурраҳман Ҳалабий Қодирий Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 29.
29. [http://www.almajidcenter.org/search\\_details.php?pag=3&keyword=](http://www.almajidcenter.org/search_details.php?pag=3&keyword=)
30. Розиуддин Мұхаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдурраҳман Ҳалабий Қодирий Тозифий ҳанафий. Қафвул асар фи улум ал-асар. – Байрут. Дорул башоирол исламия, 1996. – Б. 31.